

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИЛЪЯСОВ АЛЛАНАЗАР ТОРЕХАНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА САМАРАЛИ ДЕВОРБОП
КЕРАМИК БУЮМЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ, ТАРКИБИ ВА
ХОССАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ильясов Алланазар Тореханович

Маҳаллий хом ашё асосида самарали деворбоп керамик буюмларнинг
структураси, таркиби ва хоссаларини шакллантириш.....3

Ильясов Алланазар Тореханович

Формирование структуры, состава и свойств эффективных стеновых
керамических изделий на основе местного сырья.....21

Иyasov Allanazar Torexanovich

Formation of Structure, Composition and Properties of Effective Wall Ceramic
Products Based on Local Raw Materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ИЛЪЯСОВ АЛЛОНАЗАР ТОРЕХАНОВИЧ

**МАХАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА САМАРАЛИ ДЕВОРБОП
КЕРАМИК БУЮМЛАРНИНГ СТРУКТУРАСИ, ТАРКИБИ ВА
ХОССАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адилходжаев Анвар Ишанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тулаганов Абдуқабил Абдунабевич
техника фанлари доктори, профессор

Газиёв Учқун Абдуллаевич
техника фанлари номзоди, профессор

Етақчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик - қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «18» декабр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура - қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 15 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 244-63-30; факс: (99871) 241-80-00).

Диссертация автореферати 2018 йил «5» декабр куни тарқатилди.

(2018 йил «16» ноябрдаги 4 - рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

С.А. Ходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қурилиш соҳасида янги турдаги экологик тоза материаллардан фойдаланиш, энергия тежамкор технологияларни самарали қўллашнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатларда янги қурилиш материалларини яратиш ва уларни ишлаб чиқариш ва бу орқали бино ва иншоотларнинг жисмоний ҳолатини яхшилашда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, бино ва иншоотларни қуриш, уларнинг мустаҳкамлик ва устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан янги қурилиш материаллари, жумладан деворбоп материалларни ишлаб чиқаришда материалларнинг маҳаллий хомашё асосидаги таркиблари ва уларни ишлаб чиқаришнинг энергиятежамкор технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда керамик деворбоп материалларнинг мустаҳкамлиги, вақт бўйича бардошлилиги ва турли иқлим шароитларга чидамлилигини ошириш, иссиқлик-техник хоссаларини яхшилаш борасида, хусусан пишириш жараёнида серғовак структурани ҳосил қилиш ва ўртача зичлигини камайтириш учун куйиб кетувчи қўшимчалардан фойдаланиш, минерал қўшимчалардан фойдаланиб материал структурасини оптималлаштириш, уларни ишлаб чиқаришнинг энергиясамарадор технологияларини яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, паст сифатли маҳаллий хомашё асосида ва саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан фойдаланиб самарали керамик деворбоп буюмлар таркиблари ва ушбу буюмларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг турларини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, ...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, қурилиш тармоғини биноларнинг энергия самарадорлигини оширувчи сифатли материал ва конструкциялар билан таъминлаш мақсадида маҳаллий хом ашё, хусусан Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий хом ашёси ва саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларидан фойдаланиб, белгиланган хосса ва кўрсаткичларга эга бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

керамик деворбоп ғишт таркиби ва уни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сон «2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Самарали деворбоп керамик материалларнинг таркибини ишлаб чиқиш, структураси ва хоссаларини яхшилаш муаммолари билан жаҳондаги йирик тадқиқотчилар жумладан: Socolar R., Gerl S. Napke N., Nikolson K., Sundermena E., Engeltamera K., Будников П.П., Бурмистров В.Н., Бурученко А.Е., Верещагин В.И., Книгина Г.И., Круглицкой Н.Н., Кудяков А.И., Сайбулатов С.Ж., Стороженко Г.И., Шильцина А.Д., Гервидс И.А., Горяйнов К.Э., Новопашин А.А, Оганесян Р.Б., Онацкий С.П., Габидуллин М.Г. ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари қурилиш материаллари таркибини ишлаб чиқиш, структураси ва хоссаларини яхшилаш масалаларини ўрганишда бир қатор тадқиқотлар олиб борганлар. И.У.Касимов, М.Қ.Тохиров, А.И.Одилхўжаев, Н.А.Самиғов, Х.А.Ақромов, С.А.Ходжаев, М.М.Мирахмедов, Б.Б.Хасанов, Р.Д.Тешабаев, У.Р.Жаббаров, Н.Х.Талипов, А.А.Ашрабов, Б.А.Асқаров, А.Тулаганов, А.А.Султонов, С.С.Нигматов, У.А.Ғазиев, М.И.Искандарова, Л.М.Ботвина ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида муҳим натижаларга эришганлар.

Аввал ўтказилган тадқиқотлар таҳлили керамик деворбоп материаллар ишлаб чиқаришда энергия самарадорликни ошириш ва ресурстежамкор технологияларини яратиш соҳасида муҳим ижобий натижалар олинганлигини кўрсатди. Бироқ уй-жой бинолари ташқи деворларининг термик қаршилигига кўрсатилувчи меъёрий талабларнинг кескин ортиши билан маҳаллий хом ашё ресурслари асосида энергия ва ресурстежамкор технологиялардан фойдаланишни кўзда тутувчи керамик деворбоп материалларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларда, жумладан

ғоваклаштирилган керамик ғишт ишлаб чиқаришнинг технологиясини ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлигини ва янада кенгрок тадқиқ қилишни талаб этаётганлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг №А14-15 «Намунавий қишлоқ уйларида уларнинг нарҳини оширмаган ҳолда маҳаллий қурилиш ашёларини қўллаш асосида энергия тежамкор технологияларни татбиқ этиш» (2015-2017) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паст сифатли маҳаллий лёссимон гилтупроқлар, цеолиттаркибли тоғ жинси ва майдаланган ғўзапоядан фойдаланиб самарали керамик деворбоп буюмларнинг таркиби ва структурасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

керамик масса шихтасининг компонентлари (лёссимон гилтупроқ, цеолиттаркибли жинс, майдаланган ғўзапоя) миқдорини ўзгаришига қараб қолипланиш хоссаларини аниқлаш;

компонентлар миқдори ўзгаришининг керамик масса хоссаларини ўзгариши ва структура ҳосил бўлиш кинетикасига таъсирини тадқиқ этиш;

экспериментларни режалаштиришнинг математик усули билан керамик масса шихтаси таркибини оптималлаштириш;

буюмларни пишириш жараёнида цеолиттаркибли жинс ва ғўзапоя кулини керамик структурани ҳосил бўлишига таъсирини ўрганиш ва структура ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлаш;

керамик буюмларни туннелли печларда куйдириш режимини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бестюбе кони лёссимон гилтупроғи, Белтау конининг цеолиттаркибли тоғ жинслари ва майдаланган ғўза-поя асосидаги самарали керамик деворбоп буюмлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети лёссимон гилтупроқ, цеолиттаркибли жинс, майдаланган ғўзапоя асосидаги шихтадан олинган белгиланган хосса ва мустақкамликка эга серғовак керамик деворбоп буюмларнинг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иктисодий параметрларини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида, структура ҳосил бўлишини рентген-структура ва дифференциал термик таҳлил, керамик масса ва ундан олинган буюмларнинг сифат кўрсаткичлари ва хоссаларини ўрганишнинг стандартлаштирилган усулларида ҳамда керамик ғишларнинг таркибини лойиҳалаш ва технологик жараёнларни оптималлаштиришнинг математик усулларида, экспериментлар натижаларини статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«лёссимон гилтупроқ, цеолиттаркибли жинс ва майдаланган ғўзапоя» тизими асосидаги керамик композицияларнинг ғовакли ва аралаш структураси шаклланишининг механизми назарий жихатдан асосланган;

куйдириш жараёнида олинган керамик деворбоп материалларнинг физик-механик хоссаларига компонентларнинг таъсир даражаси технологик омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

керамик масса таркиблари сополагиди фаза ва структура ҳосил бўлиши жараёнининг тезлашишига компонентлар таъсирини уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида деворбоп керамик серғовак ғишт олишнинг энергиясамарадор технологияси структура ҳосил қиладиган кўшимчалардан фойдаланиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

паст сифатли, шулар жумласидан таркибиди кальций ва магний карбонатлари миқдори юқори бўлган лёссимон гилтупроқларга цеолиттаркибли жинслар ва майдаланган ғўза-пояни кўшиш йўли билан улардан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб берилган;

самарали керамик ғишлар олиш учун керамик массаларнинг оптималлаштирилган таркиблари ҳамди уларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияси ишлаб чиқилган;

ҳисобий экспериментлар асосида самарали деворбоп керамик буюмлар ишлаб чиқаришнинг технологик режимларини оптималлаштириш имкониятларини берувчи дастурий комплекс ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқори самарали ресурстежамкор керамик деворбоп ғиштни яратиш учун тадқиқотларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолди ўтказилганлиги, тажриба натижалари қурилиш меъёр ва қоидалари асосида амалга оширилганлиги, ҳисоблашлар компьютер дастури ёрдамида бажарилганлиги ҳамди тажриба ва назарий тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини керамик деворбоп материалдаги фаза ҳосил бўлиш жараёни ва структурасини шаклланишига, шу билан бирга куйдириш шароитида унинг физик-механик хоссалари ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида сифатли, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган керамик серғовак деворбоп ғиштининг янги эффектив таркибларини ва энергия тежамкор технология асосида олиш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилишидан иборатдир

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасининг минерал-хом ашё ресурсларидан фойдаланишни кўзда тутувчи керамик массаларнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш ва самарали керамик деворбоп ғишларни ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хомашёлар асосида олинган керамик масса таркиби “ETALONKIRPICH” МЧЖ ғишт заводида жорий қилинди (Қорақалпоғистон

Республикаси Курилиш вазирлигининг 2018 йил 10 октябрдаги 01-07/01-2798-сон маълумотномаси). Натижада керамик серфовак ғишт ишлаб чиқариш унумдорлигини 20-25 % га оширишга имкон берган;

самарали деворбоп керамик буюмларни олишнинг энергия тежамкор технологияси “QIZKETKENKIRPICH” МЧЖда жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Курилиш вазирлигининг 2018 йил 10 октябрдаги 01-07/01-2798-сон маълумотномаси). Натижада керамик серфовак ғишт ишлаб чиқаришда пишириш ҳароратини 50-100⁰Сга пасайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини мавжуд технологияга нисбатан 20-25% га ошириш имконини берган;

“ETALONKIRPICH” ва “QIZKETKENKIRPICH” МЧЖда керамик массанинг ишлаб чиқилган оптимал таркиби маҳаллий хомашёдан зичлиги 1000-1200 кг/м³, сиқилишга мустаҳкамлиги 8,5-10,5 МПа, иссиқлик ўтказувчанлиги 0,2-0,3 Вт/м⁰С кўрсаткичларга эга бўлган самарали керамик материал ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола: жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган. Бундан ташқари 1 та дарслик, 3 та ҳисоблаш дастури учун (№DGU 05439-2018, №DGU 05392-2018, №DGU 05393-2018) патент олинган.

Диссертация таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Зичлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги камайиттирилган деворбоп керамик буюмлар ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида илмий муаммонинг замонавий ҳолатини аналитик шарҳлари келтирилган. Бунда деворбоп керамик буюмлар ўртача зичлиги ва иссиқлик ўтказувчанлигини пасайтиришнинг мавжуд усуллари таҳлил қилинган,

самарали керамик буюмларни ишлаб чиқаришда хом ашё базасини кенгайтириш ва техноген ва қишлоқ хўжалигига оид чиқиндиларни утилизация қилиш муаммоларини ҳал қилишнинг йўллари, ҳамда деворбоп керамик буюмлар самарадорлиги ва сифатини ошириш усуллари келтирилган.

Самарали деворбоп керамик буюмларни ишлаб чиқариш учун хом ашё базаси ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатиб бердики, Ўзбекистон Республикасининг кўпчилик ҳудудларида сифатли тупроқлар конларининг мавжуд эмаслиги сабабли ноқондицион хом ашё қўлланилиб келмоқда. Шу туфайли асосан сифати паст лёссимон гилтупроқлар ишлатилиб, мавжуд ҳолат олинаётган маҳсулотларнинг талаб этилувчи мустаҳкамликка оид ва эксплуатацион хоссаларга жавоб бермаслиги сабабли юқори сифатли керамик буюмлар олишга тўсқинлик қилмоқда. Шунинг учун материалшунос олимлар ва мутахассислар томонидан мавжуд маҳаллий тупроқларнинг хоссаларини яхшилашга ва замонавий талабларга мустаҳкамлиги ва иссиқлик изоляциясига оид хоссалари бўйича жавоб берувчи деворбоп керамик буюмларни олиш учун хом ашё базасини кенгайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда.

Диссертация ишининг мавзуси бўйича келтирилган адабий манбаъларнинг шарҳи асосида тадқиқотларнинг ишчи гипотезаси, мақсади ва вазифалари аниқлаб берилган.

Ишчи гипотеза. Керамик композит яратишнинг барча босқичларида “лёссимон гилтупроқлар - цеолитли тоғ жинслари – майдаланган ғўза-поя” системасида содир бўлувчи физик-кимёвий ўзаро таъсирлашувлар ва ўзгаришларнинг ўзига хос томонларини эътиборга олиб мақсадга йўналтирилган структура ҳосил қилиш йўли билан конструкцион – иссиқлик изоляцияловчи хусусиятга эга бўлган самарали деворбоп керамик буюмлар олиш мумкинлиги фараз қилинади.

Диссертациянинг иккинчи **“Фойдаланилган материалларнинг тавсифи ва тадқиқот усуллари”** бобида кўп компонентли керамик масса бошланғич хом-ашё материалларининг тавсифлари, танлаб олинган экспериментал тадқиқотларнинг усуллари келтирилган. Бошланғич хом-ашё материаллари сифатида тадқиқотларда Бестюбе конининг лёссимон гилтупроғи, Бельтау конининг цеолитли тоғ жинслари ва 2016-2017 йиллар ҳосилининг майдаланган ғўза пояси ишлатилди.

Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб тадқиқотларнинг усуллари асосланган равишда танлаб олинди. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган усуллар билан бир қаторда замонавий физик-кимёвий таҳлил қилиш усуллари ҳам фойдаланилди. Хусусан, керамик ғиштнинг структурасини ўрганишда симобли порометрия усулидан фойдаланилди. Бунда янги авлод ускуналари қаторига кирувчи Thermo Scientific фирмасининг Pascal 240 EVO русумли симобли порозиметри қўлланилди. Бундан ташқари тадқиқотларда керамик массанинг таркибини оптималлаштириш учун экспериментларни режалаштиришнинг математик усулидан ҳам фойдаланилди.

Бошланғич хом-ашё материалларининг хоссаларини ўрганиш натижасида шулар аниқландики: Бестюбе кони лёссимон гилтупроғи юқори даражадаги карбонатларга эгаллиги билан тавсифланади, улар диссоциацияга учрагандан сўнг лойни куйдириш жараёнида ҳосил бўлувчи минераллар билан ўзаро таъсирлашиш қобилиятига ҳам эга. Цеолиттаркибли жинслар эса минералогик жиҳатдан асосан натролит, опал-критаболит, кальцит ва монтмориллонитдан ташкил топган бўлиб, унга кучсиз концентранган сульфат кислота таъсир кўрсатганида эритмага алюминийни осон бериб юбориш қобилиятига эга. Бу ҳолат цеолит структурасининг ноёб хоссаларга эга бўлганлигининг сабабчиси ҳисобланади, яъни унга молекуляр-симтўрли самара, юқори ион-алмашинувчанглик, сорбцион ва каталитик лаёқатлилик хоссаларини беради. Майдаланган ғўза-поянинг хоссаларини ўрганиш шуларни кўрсатиб бердики, улар етарлича юқори даражада нам сақловчанлик ва ёнганида иссиқлик ажратиш чикарувчанлик хусусиятларига эга. Бундан ташқари ғўза-пояни ёндирганда ҳосил бўлувчи кулнинг таркибида катта миқдордаги аморф шаклдаги кремний оксиди мавжуд.

Диссертациянинг учинчи **“Маҳаллий хом-ашё ресурслари асосидаги керамик массалар таркибини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш”** бобида маҳаллий хом-ашё ресурслари асосидаги самарали керамик ғишт ишлаб чиқариш учун тавсия этилувчи оптималлаштирилган рецептура-технологик кўрсаткичларни аниқлаш бўйича бажарилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Керамик материалларнинг қолиплашга оид хоссаларини ўрганишда “лёссимон гилтупроқлар-цеолиттаркибли жинслар-майдаланган ғўза-поя” системасининг структурага оид-реологик кўрсаткичлари компонентларнинг турли нисбатларида тадқиқот қилинди.

Экспериментал тадқиқотларнинг маълумотлари структурага оид-механикавий таҳлил натижаларига кўра шуларни аниқлаб бердики, Бестюбе конининг лёссимон гилтупроқлари таркибига Белтау конининг цеолиттаркибли жинслар киритилганда улар керамик массага коррекцияловчи таъсир кўрсатиб керамик массанинг қолиплашга оид хоссаларини яхшилайти. Цеолиттаркибли жинслардан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳақида структурага оид-реологик константанинг ўзгариши характери ҳам далолат бериб турибди (1-2 жадв.), айниқса силжитиш кучланиши таъсири остидаги деформацион жараёнларда.

1-жадвал. “Лёссимон гилтупроқ- цеолиттаркибли жинслар” системаларининг структурага оид-механикавий кўрсаткичлари

№ Шихта	Деформацион кўрсаткичлар			Структурага оид-механикавий тури
	$\varepsilon_0^1, \%$	$\varepsilon_2^1, \%$	$\varepsilon_{1\tau}^1, \%$	
1	52,14	43,27	4,59	0
2	23,65	75,68	0,675	1
3	41,41	59,21	1,86	1
4	43,68	54,11	2,204	1
5	35,53	62,45	2,019	1
6	73,63	23,49	2,83	0

Олинган экспериментал маълумотларни таҳлил қилиш натижасида шулар аниқландики, фақат Бестюбе конининг лёссимон гилтупроқларидан иборат бўлган шихта нолинчи структурага оид-механик туркумга мансублиги сабабли жуда ҳам ёмон қолипланиш хусусиятига эга бўлади. Аксинча, таркибига Бельтау конининг цеолиттаркибли тоғ жинслари қўшилган керамик массалар биринчи структурага оид-механик туркумга мансуб бўлиб, улар секин содир бўлувчи эластик деформацияларга учраши билан тавсифланади. Шу билан бирга тезкор эластик деформациялар улушининг сезиларли камлиги керамик массанинг яхши қолипланишидан далолат беради.

2-жадвал


“Лёссимон гилтупроқ-цеолиттаркибли жинслар” системасининг структурага оид-реологик кўрсаткичлари

№ Ш их та	Структурага оид-механик константалар					Структурага оид-механик кўрсаткичлар			Деформацияни нг нисбий қуввати $N_e \cdot 10^{-12}$ Вт
	$E_1 \cdot 10^{-7}$ Па	$E_2 \cdot 10^{-7}$ Па	$E \cdot 10^{-7}$ Па	$P_{k1} \cdot 10^{-5}$ Па	$\eta_1 \cdot 10^{-9}$ Па.с	λ	$\frac{P_{k1}}{\eta_1}$ $\cdot 10^5$ сек ⁻¹	Θ сек	
1	20	24	10.9	1.5	210	0.45	7	1930	10.43
2	16	5	3.81	1.2	52.6	0.76	2.28	1380	3.784
3	20	14	8.24	0.9	420	0.59	2.14	5097	8.28
4	30	24	13.3	1.2	480	0.56	2.5	4000	13.04
5	21	32	12.67	0.75	360	0.64	2.06	2841	7.48
6	14.5	45	10.9	0.2	367	0.24	0.54	3366	10.68

Цеолиттаркибли жинсларни қўшиб коррекция қилинган керамик масса қисқа муддатда содир бўлувчи кучланишларнинг компенсацияланиши ҳисобига нуқсонларсиз керамик буюмларни олишга мойил ҳисобланиб лойли брус яхлитлигининг бузилмаслигини таъминлаб беради. Цеолиттаркибли жинслар қўшилган керамик массалар шунингдек анча кам деформацияланиш нисбий қувватига ҳам эга ҳисобланади (3-жадв.), бу эса ўз навбатида молекулалараро ўзаро таъсирлашув кучларининг нисбатан кам ривожланганлигидан далолат беради. Керамик масса таркибига киритилувчи цеолиттаркибли жинсларнинг оптимал миқдорлари коррекцияловчи вазифасига эга бўлиб, унинг бундай самараси шунингдек секин эластик деформациялар улушининг ортишида ҳам ёрқин намоён бўлади, бу эса ўз навбатида маҳсулотни қолиплаш энергиясининг камайишига олиб келади.


Керамик массанинг куйиши жараёни тавсифларини унинг таркибига 10% ли майдаланган ғўза-поя киритилиши холларидаги термографик, дилатометрик ва рентген-фазади тадқиқотлар натижалари (1-2 расм) кўрсатиб берди. Хусусан, майдаланган ғўза-поя қўшилмаган бошланғич намунанинг термограммасида ҳарорат кескин ўзгаришидан далолат берувчи намунанинг маркази ва Δt_2 сирти ўртасидаги ёрқин ифодаланган чўккилар кўринмайди токи 890 °С ҳароратга етгунча. Бунда куйдиришнинг бошланғич даврида кескин ўзгариш монотон равишда печдаги ҳарорат 200-220 °С га етгунча ортиб боради ва максимал

даражасига 45 °С ҳароратда етади. Шундан сўнг у бироз сакрайди, тахминан 35-45°С оралиғида. Бу эса материалдаги куйдириш даврида кечаётган жараёнларнинг “юмшоқ” режимда кечишидан далолат беради ва ўрганилаётган намуналардаги ҳавфли термик кучланишлар мавжуд эмаслигидан далолат беради. Ушбу ҳолат куйдиришни 900 °С ҳароратгача чизиқли қонуният бўйича кўтаришга имконият беради. Печдаги ҳарорати 900-920 °С га етганида ҳароратнинг сакраши (Δt_2) 55 °С га ортиб кетиши кузатилади, бу эса намунада карбонатлар парчаланиши жараёнлари содир бўлишидан далолат беради. Жараёнларнинг бундай қонуният бўйича кечиши 850-950 °С ҳароратлар интервалида печни қиздириш тезлигини секинлаштириш лозимлигига ишора қилади ёки намуналардаги декорбонизация жараёнларини батамом якунлаш учун қисқа мудатда дам берилишини тақазо қилади. 2-расмда 10% майдаланган ғўза-поя қўшилган намуналарнинг термограммалари келтирилган. Термограммалардан шуларни кўриш мумкинки, ғўза-пояни керамик масса таркибига киритиш термограмманинг эгри чизиқлари тавсифига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Бундан ташқари ҳарорат сакрашининг Δt_2 миқдори абсолют қийматининг бироз ортиб кетиши, фараз қилишимизча, майдаланган ғўза-поя қўшилмаган намуналарни куйдиришга нисбатан печнинг қизиши тезлигининг бироз ортиши билан изоҳланади.



1-расм. Оптимал таркибдаги хом-ашёвий лойдан олинган керамик намуналар ҳарорат майдонининг ўзгариши (майдаланган ғўза-поясиз).

Δt_1 – намуна сирти – печнинг муҳити; Δt_2 – намуна сирти – намуна маркази; Δt_3 – намуна маркази – печнинг муҳити; t_n – печнинг ҳарорати.



2-расм. Оптимал таркибдаги хом-ашёвий лойдан олинган керамик намуналар ҳарорат майдонининг ўзгариши (ҳажм бўйича олинган 10% майдаланган ғўза-пояли)

Лой хом-ашёсининг ва цеолиттаркибли жинсларнинг минералогик таркибини аниқлаш учун рентген-фазали таҳлил қилишнинг анъанавий усули ишлатилди. Ушбу услуб энг универсал ҳисобланиб кристалл панжара атом тузилмаси ва текисликлараро масофаларнинг мазкур кристаллар микроструктураси ва микроскопик хоссалари ўртасидаги боғланишга асосланган.


Лёссимон гилтупроқлар ва цеолиттаркибли жинсларнинг рентген-фазали тадқиқотлари натижалари 3-4 расмда келтирилган. Лёссимон гилтупроқларни синашда олинган дифрактограммада куйидаги бирикмаларнинг текисликлараро масофалари кузатилади кварцнинг - 4,24; 3,34; 2,45; 1,81; 1,54 Å; гидрослюданинг – 9,9; 4,98; 4,45; 3,53; 2,56; 1,49 Å; хлоритнинг – 14,2; 8,5; 7,04; 4,71; 2,56; 1,49 Å; анортитнинг – 6,4; 3,67; 3,24; 3,18; 2,52 Å; кальцитнинг – 3,86; 3,03 Å.

Цеолиттаркибли жинслар дифрактограммаларида жуда аниқ тарзда куйидаги минералларнинг текисликлараро масофалари кузатилади: кварцнинг - 4,24 А°; 3,34 А°; 2,45 А°; 1,81 А°; 1,54 А°; гидрослюданинг – 9,9 А°; 3,53 А°; 2,56 А°; 2,00 А°; 1,49 А°; хлорита – 14,2 А°; 7,04 А°; 2,56 А°; 1,49 А°; анортитнинг – 6,4 А°; 3,67 А°; 3,18 А°; 2,52 А°; кальцитнинг – 3,86 А°; 3,03 А°.


Бошланғич ва оптималлаштирилган шихтадан олинган куйдирилган намуналарнинг рентген-фазали таҳлили натижалари 3-жадвалда келтирилган. Аниқландики, оптимал таркибдаги шихтадан олинган намуналар бошланғич таркибдаги шихтадан олинган намуналарга нисбатан афзалроқ, чунки кўпроқ микдорда кварц, анортит ва муллитга эга.

Ўтказилган термографик ва дилатометрик тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатиб бердики, оптимал таркибдаги шихтага киритилган майдаланган ғўза-поя буюмни куйдириш жараёнида деструктив кучланишлар ҳосил бўлишига олиб келмайди, бу эса ўз навбатида куйдириш режимига сезиларли ўзгартиришлар киритишни талаб этмайди.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотларда турлича ёниб кетувчи кўшимчалардан фойдаланиб олинган керамик буюмларнинг ғоваклиги кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинди. Керамик сополуклар ғовакликларининг микдорий тавсифлари шуни кўрсатиб бердики, кўриб чиқилган ёниб кетувчи кўшимчалар ичида энг самаралиси-майдаланган ғўза-поя кўшимчаси экан.



3-расм. Бошланғич таркибдаги шихтадан олинган куйдирилган намуналарнинг дифрактограммаси: кварц – О, дала шпати - Δ, оксидлар Fe - +, гидрослюдалар қолдиғи - ⊕



4-расм. Оптимал таркибдаги шихтадан олинган куйдирилган намунанинг дифрактограммаси. кварц – О, дала шпати - Δ, оксидлар Fe - +, муллит - ■.

3-жадвал. Бошланғич ва оптимал таркибдаги шихталардан олинган керамик сополукнинг рентген-фазали таҳлил қилиш натижалари

№ т/р	Минераллар	Бошланғич шихтадан олинган сополук (%)	Оптималлаштирилган шихтадан олинган сополук (%)
1	Кварц	35	40
2	Анортит	30	38
3	Темир оксиди	20	17
4	Гидрослюдалар қолдиқлари	15	-
5	Муллит	-	5

Аниқландики, 1-сонли шихтадан олинган (шоли сомони кўшилган) керамик ғиштнинг умумий ғоваклиги 51,04 %, 2-сонли шихтадан олинган (шоли шулхаси кўшилган) керамик ғиштнинг умумий ғоваклиги 49,60 %, 3-сонли шихтадан олинган (майдаланган ғўза-поя кўшилган) керамик ғиштнинг умумий ғоваклиги 53,09% ни ташкил этади. Ўлчамлари ҳисобга олинган ғоваклар диапазони 15,000 дан 0,0103 μm гача оралиқни ташкил этди. Шу билан бирга керамик ғиштнинг ўртача зичлиги 1,3308 г/см³ ни ташкил қилди.

Керамик сополок ғоваклигининг сифат кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатиб бердики майдаланган ғўза-поя кўшилган керамик массада олинган намуналарнинг умумий ғоваклиги миқдори бошқаларига нисбатан каттароқ қийматга эга бўлсада, “ҳавфли” ғовакларининг миқдорига кўра (37,03%) 1-сонли шихтадан олинган намуна кўрсаткичи (41,76%) ва 2-сонли шихтадан олинган намуна кўрсаткичига (45,06%) нисбатан сезиларли даражада камроқ. Фараз қилишимизча, бу майдаланган ғўза-поя кўшимчаси кўшилган керамик массалар структура ҳосил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг моҳияти материал ғоваклиги структурасининг янги ҳосил бўлувчи моддалар ҳисобига яхшиланиши ва шунинг эвазига бир қанча “ҳавфли” ғовакларнинг “ҳавфсиз” ғоваклар қаторига ўтиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг тўртинчи «**Маҳаллий хом-ашё асосидаги самарали керамик буюмлар олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш ва технологик режимларини оптималлаштириш**» бобида керамик буюмларни қолиплаш усулини танлаш, лойни қолиплашнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш, маҳаллий хом-ашё асосида самарали керамик буюмларни олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш, майдаланган ғўза-поя кўшимчаси кўшилган самарали керамик ғишт олишнинг рецептура-технологик кўрсаткичларини оптималлаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Бундан ташқари ушбу бобда керамик ғиштни қуриштириш ва куйдириш жараёнларининг оптимал режимларини танлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари ҳам ўрин олган.

Керамик буюмларни қолиплаш усулини танлаб олишдаги тадқиқотларда аниқландики, керамик массага майдаланган ғўза-пояни киритишда ярим-қурук пресслаш усулини қўллаш деярли имконсиз, чунки кўшимчанинг эластик хусусиятлари прессланган лойнинг емирилишига сабабчи бўлади; пластик қолиплаш усулида эса майдаланган ғўза-поя қирқимлари юқори намлик сақлаб туриш қобилиятига эгаллиги ҳисобига системага кўшилувчи ортиқча миқдордаги сувни тортиб олади, бу эса ўз навбатида хом ғиштни қуриштиришда керамик массанинг капилляр ғовакликнинг ортишига, тайёр маҳсулотни эса зичлигини камайишига ҳам олиб келади.

Юқоридаги мулохозаларга кўра, ҳамда Ўзбекистонда деворбоп керамик буюмлар олишда қолиплашнинг экструзияли усули жуда ҳам кенг тарқалганлигини эътиборга олиб диссертация ишида керамик буюмларни пластик қолиплаш усули асос қилиб олинди ва тадқиқотлар учун қабул қилинди.

Лойнинг боғловчилик қобилияти гил заррачаларини бир-биридан ажратиш учун зарур бўлган зўриқиш миқдори билан баҳоланди. Зўриқиш

микдори намуна-тўсинчаларни эгилишга мустаҳкамлиги чегарасини аниқлаш орқали топилди. Тадқиқотларда қабул қилинган тупроқларнинг турлари 22 % дан 37,0% гача боғловчилик қобилятини намоён қилди (4-жадв.).

Самарали керамик буюмларни ишлаб чиқариш технологик схемасини ишлаб чиқишда керамик масса компонентларини тайёрлашнинг барча технологик жараёнлари эътиборга олинди. Лаборатория шароитларида ғўза-пояни кўшимча сифатида керамик масса таркибига киритиш учун тайёрлаш жараёни куйидаги операцияларни ўз ичига олди: ғўза-пояни қиркувчи қурилма ёрдамида (тури КР-02 "Фермер" 2,2кВт, 220В) узунлиги 2-6 мм бўлган агрегатлар кўринишида қирқиш; тирқишларининг ўлчамлари 1,5-0,250 мм бўлган элакда элаш (қирқиш жараёнида ғўза-поянинг бурдаланиб кетиши натижасида толаларнинг диаметри 150- 220 мкм ли юпқа толали масса ҳосил бўлади).

4-жадвал. Керамик массаларнинг асосий қовушқоқлик-эластик хоссалари

Керамик масса	«Лёссимон гил тупроқ»	«Лёссимон гил тупроқ –цеолитли тоғ жинси»	«Лёссимон гил тупроқ –цеолитли тоғ жинси-ғўза- поя»
хоссаси			
Қолиплаш намлиги, %	16-17	18-20	19-21
Пластиклиги, пластиклик сони	14-16	20-22	21-23
Боғловчилик қобиляти, % (қумга нисбатан)	22	35	37
Пластик мустаҳкамлиги, МПа	0,03	0,04	0,042

Ҳосил бўлган сочилма зичлиги 180-200 кг/м³ ли масса тарозида тортилиб қолиплаш намлиги 19-21% бўлган керамик массага киритилади. Лой массаси лабораторияга оид куракли аралаштиргичда қорилади. Аралаштириш вақти лойли композиция массасига боғлиқ равишда 5-10 мин. ни ташкил қилади.

Керамик буюмлар намуналарини қолиплаш лабораторияга оид поршенсимон турдаги экструдер ёрдамида амалга оширилди. Керамик массани, ғўза-пояни тайёрлаш, ҳамда ғиштни қолиплаш, қуриштириш ва куйдириш жараёнлари самарали деворбоп буюмларни олиш бўйича ишлаб чиқилган технологик схемада кўрсатилган (5-расм).





5-расм. Маҳаллий хом-ашё асосида самарали керамик буюмлар олишнинг технологик схемаси.



Самарали керамик ғишт олишнинг рецептура-технологик параметрларини оптималлаштириш экспериментларни режалаштиришнинг математик усулини қўллаб амалга оширилди.

Режалаштирилган экспериментлар матрицаси бўйича синовларни амалга ошириш маълумотларини қайта ишлагандан сўнг полиноминал моделлар олинган бўлиб, улар

ғиштнинг ўрганилувчи хоссалари ва





6-расм. Лойнинг структурага оид мустаҳкамлигининг технологик қўшимча миқдори (X_1) ва формовкалаш намлиги (X_2) га нисбатан боғланиши, экструдер босимининг қийматларида (X_3) – а) - 1,0 МПа, б) – 1,4 МПа



7-расм. Керамик ғишт ўртача зичлигининг технологик қўшимча миқдори (X_1) ва формовкалаш намлиги (X_2) га нисбатан боғланиши, экструдер босимининг $X_3=1,0$ МПа қийматида: сарик, кўк, кизил текисликлар-чанок зичлиги $1100 \text{ кг/м}^3, 1000 \text{ кг/м}^3, 900 \text{ кг/м}^3$ бўлганида.

